

САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.08.2018.V.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ

ЮЛЧИЕВ ЖАСУРБЕК БАХОДИРОВИЧ

**ИТЛАРДА СУТ БЕЗИ ЎСМАЛАРИНИНГ ЭТИОЛОГИЯСИ,
ПАТОМОРФОЛОГИЯСИ ВА ДАВОЛАШ**

16.00.02 – Ҳайвонлар патологияси, онкологияси ва морфологияси. Ветеринар акушерлиги ва ҳайвонлар репродукцияси биотехникаси;

16.00.01 – Ҳайвонлар касалликлари диагностикаси, терапияси ва хирургияси

**ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.08.2018.V.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ

ЮЛЧИЕВ ЖАСУРБЕК БАХОДИРОВИЧ

**ИТЛАРДА СУТ БЕЗИ ЎСМАЛАРИНИНГ ЭТИОЛОГИЯСИ,
ПАТОМОРФОЛОГИЯСИ ВА ДАВОЛАШ**

16.00.02 – Ҳайвонлар патологияси, онкологияси ва морфологияси. Ветеринар акушерлиги ва ҳайвонлар репродукцияси биотехникаси;

16.00.01 – Ҳайвонлар касалликлари диагностикаси, терапияси ва хирургияси

**ВЕТЕРИНАРИЯ ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида
B2019.2.PhD/V5 ракам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Самарқанд ветеринария медицинаси институтида
бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг веб-
саҳифасида (www.samvmi.uz) ҳамда «ZiyoNet.uz» ахборот таълим порталида (www.ziyo.net)
жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Дилмуродов Насриддин Бабакулович
ветеринария фанлари доктори, профессор
Нарзиев Бахтиёр Долневич
ветеринария фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Бакиров Бахтияр
ветеринария фанлари доктори, профессор
Турсагаатов Жаҳонгир Маматович
ветеринария фанлари номзоди

Ётақчи ташкилот:

Ветеринария илмий тадқиқот институти

Диссертация химояси Самарқанд ветеринария медицинаси институти ҳузуридаги илмий
даражалар берувчи DSc 30.08 2018 V.12.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «18» 10
соат «1400» даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек
кўчаси, 77 уй. Тел.: (99866) 234-33-20; факс: (99866) 234-07-86; e-mail: samvmi@edu.uz)

Диссертация билан Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг Ахборот-ресурс
марказида танишиш мумкин (14269) рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140103,
Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77 уй. Тел.: (99866) 234-33-20; факс: (99866) 234-07-86).

Диссертация автореферати 2019 йил «30» 09 кунни тарқатилди.
(2019 йил «30» 09 даги № 03 - рақамли реестр баённомаси)



Х.Б.Юнусов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, б.ф.д., профессор

Ш.Х.Қурбанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, вет.ф.н.

К.Н.Норбоев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, вет.ф.д.,
профессор

SamVMI
resurs markazi

14-14269/2

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё мамлакатларининг сарҳадларида тинчлик ва осойишталикни сақлаш, портловчи, гиёҳванд моддаларнинг республикалар худудига киришини олдини олиш, терроризм ва жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда аҳоли тинчлигини сақлашда куч салоҳиятига эга давлат тузилмаларида кинологлар ва хизмат итларининг вазифалари беқиёсдир. Аммо, ушбу хизмат итларини сақлаш, улар сонини кўпайтиришда асосий тўсқинлик қилувчи омиллардан бири бўлиб уларнинг турли юқумли, юқумсиз ва инвазион касалликлари ҳисобланади. Ҳайвонларда жаррохлик касалликлари, жумладан ўсмалар патологияси кенг тарқалиб, умумий касалликларнинг 5-10 фонзни ташкил қилиши аниқланган.¹

Дунё миқёсида итлар орасида ўсмаларни диагностика қилиш, замонавий даволаш ва олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқиш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, кинология хизматининг питомникларига қарашли хизмат итларида ўсма касалликларини бартараф этиш борасида олиб борилаётган тадқиқотларга катта эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, итларда учрайдиган ўсмаларни ўз вақтида аниқлаш, даволаш ва уларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш муҳим долзарб вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Республикамизнинг мустақиллик йилларида кинология хизмати питомникларига қарашли итларда турли этиологияли касалликларни диагностикаси ва олдини олиш борасида замонавий такомиллашган услуб ва воситаларни қўллаш натижасида уларда учрайдиган юқумли ва юқумсиз патологияларни сезиларли даражада камайитиришга эришилди. Шунингдек, мамлакатимизнинг куч салоҳиятига эга бўлган тузилмалари ва аҳолига қарашли хизмат итларининг онкологик касалликларини даволаш ва олдини олиш чора-тадбирлари бўйича илмий-тадқиқот ишларини жадаллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида² давлатимиз чегаралари дахлсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини ошириш ҳамда диний экстремизм, терроризм ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа шаклларига қарши курашиш бўйича ташкилий-амалий чораларни кучайтириш устувор масалалардан бири сифатида эътироф этилган. Ушбу долзарб масалаларни ҳал этишда кинология хизматининг аҳамияти катта.

Ўзбекистон Республикасининг «Ветеринария тўғрисида»ги янги таҳрирдаги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария кўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3026-сонли

¹ Бугаев А.М. Профилактика онкологических заболеваний у собак // - Москва, 2002. - № 4. - С. 12-14.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли фармони

Қарори, «Ветеринария ва чорвачилик соҳасида Давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 2019 йил 28 мартдаги ПФ-5696-сонли Фармони ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа метёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда итлар орасида ўсмаларни тарқалиши, уларни даволаш усуллари бўйича Б.Д.Нарзиев ва Р.М.Таштемировлар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган. Дунё миқёсида ушбу муаммо бир қатор хорижий олимлар, жумладан J.C.Costa, P.Juntes, M.Pogacnik, V.Lamagna, P.A.Le Couteur, A.J.Withrow, G.C.Leonardi, S.Candido, M.Cervello, A.M.Martins, E.Tamaso, J.L.Guerra, A.Monteros, N.Milla, J.B.Paul, M.C.Jose, S.Banchop, A.Polli, П.Ф.Терехов, В.Н.Эллиниди, М. В.Шелехова, А.А.Самотаев, В.И.Чиссов, В.В.Старинский, Е.А.Ульрих, Э.Л.Нейштадт, В.М.Моисеенко, А.В.Гейниц, С.В.Москвин, Г.А.Азизовлар томонидан итларда ўсмаларни тарқалиши, патоморфологияси, клиник белгилари ўрганилган ҳамда касалликни даволаш ва олдини олиш бўйича илмий жиҳатдан асосланган чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Лекин, мамлакатимизда итлар орасида сут бези ўсмаларининг тарқалиши, келтириб чиқарувчи омиллар, касалликнинг кечиш хусусиятларини аниқлаш, уларни даволаш ва олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда уни амалиётга жорий қилиш бўйича илмий изланишлар етарлича олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг ҚХА-ҚХ-2018-2019 «Экологик ва техноген омиллар таъсиридан ҳайвонлар ва паррандалар организмиде юзага келадиган патологиялар, уларни олдини олиш чоралари ва даволашнинг такомиллашган усулларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш» (2018-2020 йй.) мавзусидаги илмий-амалий давлат дастурлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади республика кинология питомникларидаги хизмат итлари ва аҳолига қарашли итларда сут бези ўсмаларининг тарқалиши, этиологияси, зарари, уларнинг патоморфологияси ва ташхисини илмий асослаш ҳамда даволашнинг комплекс усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

республикаимиз куч салоҳиятига эга бўлган давлат ташкилотлари тасарруфидаги кинология марказлари питомникларига қарашли хизмат итлари, жумладан, Самарқанд шаҳри аҳолисига қарашли итлар орасида сут

бези ўсмаларининг учраш даражасини ҳамда касалликнинг этиологиясини аниқлаш;

сут бези ўсмаси билан касалланган итлар қонининг морфологик, биокимёвий ва иммунологик ўзгаришларини аниқлаш ҳамда сут бези ўсмаларини эрта диагностика қилиш усулларини илмий асослаш;

итлар ўсмаларини биопсия қилиш ва ўсма тўқимасининг патоморфологиясини тадқиқ қилиш;

сут бези ўсмаси билан касалланган итларни даволашнинг жаррохлик, консерватив ва бошқа замонавий усулларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти республиканинг Самарқанд, Навоий ва Жиззах вилоятлари кинология питомниклари ва Самарқанд шаҳри аҳолисига қарашли сут бези ўсмалари билан касалланган итлар, шунингдек, қон ва ўсма тўқимаси намуналари, гистологик ва иммуногистокимёвий тадқиқотлар материаллари, кимётерапевтик ва гормонал препаратлар.

Тадқиқотнинг предмети сут бези ўсмалари билан касалланган итларнинг клиник, морфологик, биокимёвий, иммунологик ва патологоанатомик кўрсаткичлари, ушбу касалликларни даволаш ва олдини олиш тадбирлари.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотларда клиник, морфологик, биокимёвий, иммунологик, патологоанатомик, гистологик ва иммуногистокимёвий ҳамда статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi қуйидагилардан иборат:

илк бор, республика кинология питомникларидаги хизмат итларида ва аҳолига қарашли итларда ўсмаларни келтириб чиқарувчи этиология омиллар ҳамда касалликнинг тарқалиш даражаси аниқланган;

итларда сут бези ўсмаларининг ўзига хос кечиши, уларни тарқалишининг итларнинг зот ва жинсига боғлиқлик жиҳатлари, клиник белгилари ҳамда касалликнинг эрта диагностикаси илмий асосланган;

сут бези ўсмаси билан касалланган итлар қонининг морфологик, биокимёвий ва иммунологик ўзгаришлари ҳамда ўсмаларнинг патоморфологияси аниқланган;

сут бези ўсмаси билан касалланган итларда касалликни даволашнинг комплекс усуллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

хизмат ва аҳолига қарашли итларда учрайдиган сут бези ўсмаларининг этиологияси ва патогенези ўрганилиб, касалликка гистологик ва иммуногистокимёвий усул ёрдамида эрта ташхис қўйиш усуллари илмий асосланган;

итларда сут бези ўсмаси касаллиги пайтидаги ўзига хос клиник, гематологик ва патоморфологик ўзгаришлар аниқланган;

ушбу патологияни жаррохлик усулига қўшимча равишда кимётерапевтик ва гормонотерапевтик усулларни қўллаш билан даволаш усуллари такомиллаштирилган;

итларда учрайдиган сут бези ўсмаларига эрта ташхис қўйиш орқали

уларни ўсиш босқичларига қараб даволаш стратегияларини ишлаб чиқиш, гормонал табиатли сут бези ўсмаларини ўсишини олдини олишда овариоэктомия операциясини бажариш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги текширишларнинг замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, бирламчи маълумотларга ишлов бериш ва илмий таҳлил қилиш, олинган назарий натижаларнинг тажриба маълумотлари билан тўғри келиши, тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан чуқур илмий таҳлил қилинганлиги, Самарқанд ветеринария медицинаси институти апробация комиссияси томонидан илмий тадқиқот ва бирламчи материалларга ижобий баҳо берганлиги, илмий тадқиқот натижаларининг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти эстроген гормонлар таъсирида итларда сут бези ўсмаларининг келиб чиқиши, ўсма тўқималарининг соғлом тўқималар ҳужайравий тузилмаларининг функционал ҳолатига таъсир механизми, ўсма тўқимаси турини эртачи аниқлашни илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти итларда сут бези ўсмаларига дастлабки босқичларида ташхис қўйиш, ўсма тўқимасининг атроф тўқималарига салбий таъсирини аниқлаш ҳамда ишлаб чиқаришга сут бези ўсмаларини даволаш ва олдини олиш бўйича илмий асосланган тавсиялар берилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Итларда сут бези ўсмаларининг этиологияси, патоморфологияси ва даволаш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

«Итларда сут бези ўсмаларини диагностикаси, даволаш ва олдини олиш бўйича тавсиянома» ишлаб чиқилган ва Самарқанд, Навоий, Жиззах вилоятлари кинология питомникларидаги хизмат итларида ўсма касалликларини олдини олиш амалиётига жорий этилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 15 майдаги 02/17-315-сон маълумотномаси). Натижада итларда сут бези ўсмаларини самарали даволаш ва олдини олишнинг илмий асосланган чора-тадбирларини ишлаб чиқиш имконини берган;

итларда сут бези ўсмаларини диагностика қилишнинг замонавий усуллари ишлаб чиқилган ва кинология хизмати амалиётига жорий этилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 15 майдаги 02/17-315-сон маълумотномаси). Натижада итларда сут бези ўсмаларини эрта диагностика қилиш имконияти яратилган;

итларда сут бези ўсмаларини даволашнинг комплекс усуллари ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 15 майдаги 02/17-315-сон

маълумотномаси). Бунинг натижасида ушбу комплекс даволаш усулларини қўллаш натижасида сарфланган 1 сўм ҳаражатга 7,26 сўм иқтисодий самара олишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 6 та, жумладан 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш чоп этилган, шундан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 2 та хорижий, 8 та республика илмий журналларида, 2 та халқаро илмий конференция материаллари тўпламларида нашр этилган. Олинган натижалар асосида 1 та тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «Кириш» қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати, мавзунинг Республика фан ва технологиялар ривожлантириш устивор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлар

и режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Итларда сут бези ўсмаларининг тарқалиш даражаси, этиологияси, патогенези, даволаш ва олдини олишга доир адабиётлар таҳлили» деб номланган биринчи боби икки қисмга бўлинган бўлиб, «Итлар орасида сут бези ўсмаларининг тарқалиши, этиологияси ва патогенези» деб номланган биринчи қисмида итлар орасида сут бези ўсмаларининг тарқалиш даражаси, касалликни келтириб чиқарувчи этиологик омиллар, касалликнинг кечиш хусусияти ва патогенезини ўрганишга оид МДХ ва хорижий олимларнинг тадқиқот натижалари келтирилган. «Итларда сут бези ўсмаларининг диагностикаси, даволаш ва олдини олиш» деб номланган иккинчи қисмида республикамик ва хорижий тадқиқотчиларнинг илмий ишлари таҳлили асосида итларда сут бези ўсмаларининг клиник белгилари, қоннинг морфологик, биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичларининг ўзгаришлари, ўсма касалликларининг ташхиси, даволаш ва олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисидаги тадқиқотлар кенг ёритилган. Адабиётлар таҳлилининг якуний хулосасида

республикамининг куч салоҳиятига эга бўлган тузилмалари кинология марказлари питомникларида ва аҳолига қарашли итлар орасида сут беги ўсмаларининг тарқалиши, асосий турлари, ривожланиши, эртачи ташхиси ва киёсий ташхиси, уларни даволаш ва олдини олиш чора-тадбирлари бўйича илмий изланишлар олиб бориш зарурлиги баён этилган.

Диссертациянинг «Сут беги ўсмаларига доир олиб борилган тадқиқотлар жойи, объекти ва услублари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот жойи, объекти ва услублари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Илмий тадқиқотларнинг экспериментал қисми Ички ишлар вазирлигига қарашли Самарқанд ва Навоий вилоятлари ички ишлар бўлими кинология хизмати питомниклари, Республика ДХХ чегара қўшинларига қарашли 9784-ҳарбий қисм кинология питомниги ва Самарқанд вилояти божхона бошқармаси кинология хизмати тасарруфидаги хизмат итлари, шунингдек, Самарқанд шаҳри аҳолисига қарашли итлар ҳамда Самарқанд ветеринария медицинаси институти «Ветеринария жарроҳлиги» кафедраси клиникасига келтирилган итлар танлаб олинди ва тажрибалар 2013-2018 йиллар давомида уч босқичда амалга оширилди.

Диссертациянинг «Итларда сут беги ўсмаларининг этиологияси, тарқалиши ва ташхиси» деб номланган учинчи бобида итларда диспансер текширишлар ўтказиш билан Самарқанд, Навоий ИИБ кинология питомниклари ва 9784-ҳарбий қисм кинология питомнигида ҳамда Самарқанд шаҳри аҳолисига қарашли итлар орасида ўсмаларнинг тарқалиш динамикаси, этиологик омиллар ва касалликка ташхис қўйиш бўйича маълумотлар келтирилган.

Кинология питомникларида ва Самарқанд шаҳри шароитида аҳолига қарашли итларда сут беги ўсмаларини тарқалиш даражасини аниқлаш бўйича жарроҳлик диспансерлаш тадбирлари ўтказилиб, итларни сақлаш, озиклантириш шароитлари, рацион тахлили, клиник текширишлар, кон намуналарини лаборатор текширувлар ёрдамида ўсма билан касалланиш даражаси, яширин ва клиник касал итлар сони аниқланди. Клиник текширишларда итларнинг умумий аҳволи, иштаҳаси, шиллик пардаларнинг ҳолати, тана ҳарорати, пульс ва нафас олиш сони, итларнинг танасида ҳосил бўлган шишларнинг характери, пальпация қилгандаги оғриқ сезиши, флюктацияси, маҳаллий ҳарорати, консистенцияси, аускультация қилгандаги товуши ва биопсия усули натижалари аниқланди. Касал итларнинг клиник-физиологик ҳолати, қоннинг айрим морфобиокимёвий ва иммунологик кўрсаткичлари ҳамда сут беги функционал ҳолатининг бузилишини аниқлаш бўйича илмий ва амалий тажрибалар ўтказилди.

Ўсма тўқимасининг тузилиши, биологик хусусиятлари ва турини аниқлаш мақсадида мастэктомия операцияси ёрдамида ўсма тўқимасидан намуналар олинди, гематоксилин-эозин бўёғи билан бўяб, гистопрепаратлар тайёрланиб, микроскоп остида текширилди. Ўсмаларни киёсий ташхислаш, уларнинг гистогенезини хужайра даражасида ўрганиш ва хужайраларнинг биологик потенциални баҳолаш учун иммуногистокимё усули қўлланилди.

Олинган натижаларнинг таҳлиliga кўра, ўтказилган клиник, лаборатория ва гистологик текширишлар натижасида ўсма билан касалланган жами итларда сут бези ўсмалари 35%, таносил ўсмалар 8%, липомалар 5%, тери ўсмалари 8%, гигромалар 5%, фибромалар 10%, саркомалар 7% ва аралаш турдаги ўсмалар 22% ни ташкил этиши аниқланди.

Диспансерлаш натижасида аниқланган 77 бош сут бези билан касалланган итларнинг клиник-физиологик ҳолати, ўсмаларнинг жойлашиш жойи ва ҳажми турлича кўринишга эга бўлди.

Тажрибадаги сут бези ўсмаси билан касалланган итларда ўсмаларнинг ҳажми уларнинг зоти, ёши ва яшаш шароитига боғлиқ равишда оддий тугун ҳажмидан то чақалоқ боши ҳажмигача бўлган ҳолатлар қайд этилди.


Самарқанд, Навоий ИИБ ва 9784-ҳарбий қисм кинология питомниги итларининг 22 бошида (10%) сут бези ўсмалари аниқланди. Касал итларнинг ёши ўртача 5-6 ёшни ташкил этди. Ўсиб чиққан ўсмаларнинг катталиги ҳажми ўртача 1,5x2,3 см га тенг бўлди. Ўсмаларнинг 67,8% охириги, яъни IV ва V жуфт сут безларида, 33,2% и эса I ва II, III жуфт сут безларида ўсиб ривожланганлиги қайд этилди. Ўсмаларнинг консистенцияси қаттиқ, шакли тугунсимон, нотекис, альвеоляр бўлиб, маҳаллий ҳарорат, оғриқ ва флюктуация товушлари аниқланмади. Аниқланган сут бези ўсмалари ўсишининг дастлабки бошланғич босқичида кечиб, ўсиши паст даражада эканлиги қайд этилди.

Самарқанд шаҳрининг аҳолига қарашли итлар орасида сут бези ўсмалари билан касалланиш даражаси ўрганилганда, жами 57 бош итларда турли ҳажмдаги ва ривожланиш босқичдаги сут бези ўсмалари қайд этилди. Бунда, ўсма билан касалланган итларнинг асосий қисмини маҳаллий итлар ташкил этди. Кейинги ўринларда мос равишда, аралаш зотли итлар, боксер, пудел ва болонкаларда сут бези ўсмаларининг ҳосил бўлиши кузатилди. Ўсма билан касалланиш итларда ўртача 7-8 ёшни ташкил этди. Аниқланган ўсмаларнинг ҳажми эса ўртача 5,2x8,3 см га тенг бўлди. Ўсмалар итларнинг барча сут безларида, асосан охириги сут безлари паренхимасида, яъни IV, V жуфт сут безларида, баъзан I ва II жуфт безларида ҳам кузатилди. Ўсмаларнинг консистенцияси турлича бўлиб, бу ўсмаларнинг ўсиш босқичларига боғлиқ равишда қаттиқ, юмшоқ, ҳамирсимон, шакли тугунсимон, нотекис, альвеоляр, нотипик бўлиши аниқланди. Ўсиш даражасининг 2-,3-даражаси кузатилган ўсмаларда маҳаллий ҳароратнинг ошиши, оғриқ борлиги ва флюктуация товушлари мавжудлиги аниқланди. Айрим итларда ўсмалар ўсишининг 4-даражаси кузатилиб, ўсма тўқимасининг емирилиши, некрози, пролефератив ва дегенератив жараёнлар натижасида ўсма паренхимасининг юмшаши, қорайиши, альвеолаларидан пролефератив экссудатларнинг оқиши, кучли оғриқ, касал итларда шиллик пардаларнинг оқариши, сарғайиши, уларда ҳаракатланишнинг пасайиши, нокулай бўлиши, ҳатто айрим майда зотли итларда сут бези ўсмаларининг осилиб қолиш ҳолатлари ҳам қайд этилди.

Тажрибалар давомида аниқланган 77 бош сут беши ўсмаси билан касалланган итларнинг 11 бошида сут безининг хавфли ўсмалари ташхиси қўйилди. Ушбу ўсмалар асосан маҳаллий зотга мансуб бўлган итларда кузатилди. Хавфли ўсма билан касалланиш Самарқанд шаҳри шароитида аҳоли қармоғида сақланадиган 7 бош, 9784-ҳарбий қисм кинология питомнигида сақланадиган 1 бош итда, Навоий вилояти ички ишлар бўлими кинология питомнигида сақланадиган 2 бош итларда ва Самарқанд вилояти ички ишлар бўлими кинология питомнигида сақланадиган 1 бош итда кузатилди. Бунда, ўсманинг ўсиши натижасида лимфоген ва гематоген йўллар орқали ички органларда жумладан, кўкрак қафасида ва қорин бўшлиғида метастазлар пайдо бўлиши қайд этилди. Даволаш ва операция натижаларига қарамадан, уларда рецидив ва ички органларда метастазлар пайдо бўлиши оқибатида ўлим жараёни кузатилди.

Тажрибадаги сут беши ўсмалари билан касалланган итларда кон намуналарини текшириш тажрибалар бошида, тажрибаларнинг 10-, 20- ва 30-кунлари текшириб борилди.


Биринчи тажриба гуруҳидаги сут беши ўсмаси билан касалланган итлар қонидаги эритроцитлар сони тажрибалар бошида ўртача $4,34 \pm 0,28$ млн/мкл кўрсаткичга эга бўлган бўлса, тажрибалар давомида даволаш натижасида ушбу кўрсаткич ўртача $6,0 \pm 0,15$ млн/мкл га тенг бўлиб, дастлабки кўрсаткичга нисбатан 38,2% га ошганлиги, лейкоцитлар сони эса тажрибалар бошида ўртача $12,47 \pm 0,2$ минг/мкл га тенг бўлган бўлса, тажриба якунида бу кўрсаткич $10,4 \pm 0,22$ минг/мкл гача, яъни 16,4% га камайганлиги аниқланди.



1-расм. Биринчи тажриба гуруҳидаги итлар қонининг морфобиокимёвий кўрсаткичлари

Қон таркибидаги гемоглобин миқдори дастлаб $100,0 \pm 0,22$ г/л га тенг бўлиб, тажрибалар якунига келиб, унинг ҳам эритроцит кўрсаткичига мос

равишда 22,1% га, яъни $123 \pm 1,16$ г/л гача кўтарилиши қайд этилди. Энг яхши кўрсаткич эритроцитларнинг чўкиш тезлигида бўлиб, даволаш бошидаги кўрсаткич $4,8 \pm 0,41$ мм/соат га тенг бўлса, тажрибалар якунида $6,2 \pm 0,65$ мм/соат гача, яъни дастлабки кўрсаткичга нисбатан 38% га ошганлиги қайд этилди (1-расм).




2-расм. Иккинчи тажриба гуруҳидаги итлар қонининг морфобиокимёвий кўрсаткичлари

Иккинчи тажриба гуруҳидаги итларда ҳам даволашдан олдинги ва кейинги қоннинг морфобиокимёвий кўрсаткичлари таққосланганда, эритроцитлар сони тажрибалар бошида ўртача $4,5 \pm 0,14$ млн/мл кўрсаткичига тенг бўлса, даволашнинг охирида ўртача $5,4 \pm 0,32$ млн/мл гача, яъни дастлабки кўрсаткичга нисбатан 20% га ортганлиги, лейкоцитлар сони тажриба бошида ўртача $11,3 \pm 0,35$ минг/мл га тенг бўлса, тажриба охирига келиб $9,6 \pm 0,36$ минг/мл га, яъни 15% га камайганлиги қайд этилди. Бу гуруҳ итлар қонида ҳам тажриба бошида гемоглобин миқдори дастлаб ўртача $97,8 \pm 0,85$ г/л бўлса, тажриба якунига келиб ўртача $102,7 \pm 0,23$ г/л гача, яъни 5% га, эритроцитларнинг чўкиш тезлиги эса ўртача $7,2 \pm 0,11$ мм/соат дан $8,3 \pm 0,23$ мм/соат гача, яъни 15,3% га ортганлиги аниқланди (2-расм).

Биринчи тажриба гуруҳидаги итлар қон зардобидидаги умумий оксил миқдори тажриба бошида физиологик меъёр кўрсаткичларидан паст, яъни ўртача $38,0 \pm 0,23$ г/л эканлиги аниқланган бўлиб, тажриба охирига келиб ушбу кўрсаткич дастлабки кўрсаткичга нисбатан ўртача 28,9% га ($p < 0,05$) ошганлиги, яъни $49,0 \pm 0,27$ г/л га тенг эканлиги кузатилди. Итлар қонидаги глюкоза миқдори тажриба бошида $3,5 \pm 0,83$ ммоль/л га тенг бўлса, даволаш тажрибалари натижасида тажрибалар охирида дастлабки кўрсаткичга нисбатан 53,5% га ($p < 0,05$) ошганлиги, яъни $5,3 \pm 0,73$ ммоль/л эканлиги қайд қилинди. Шуниндек, қондаги креатинин миқдори тажрибанинг бошида

17,0±0,45 мкмоль/л, тажриба охирига келиб бу кўрсаткичнинг 16,7% га ($p<0,05$) ошганлиги, яъни 17,5±0,46 мкмоль/л га тенг эканлиги аниқланди. Қон зардобдаги мочевина ва умумий билирубин миқдори касаллик натижасида организмда кескин ортган, яъни мочевина миқдори ўртача 11,2±0,56 ммоль/л ни, умумий билирубин миқдори ўртача 14,2±0,68 ммоль/л ни ташкил этган бўлса, тажриба якунига келиб мочевина миқдори 10,0±0,55 ммоль/л ва умумий билирубин миқдори эса 10,6±0,53 ммоль/л га камайганлиги қайд этилди (3-расм).



3-расм. Тажрибадаги биринчи гуруҳ итлар қонининг биокимёвий кўрсаткичлари


Иккинчи гуруҳ итларининг қон зардобдаги глюкоза миқдори тажрибалар бошида физиологик меъёрий кўрсаткичларга нисбатан пасайган, яъни ўртача 3,8±0,73 ммоль/л га тенг эканлиги аниқланди. Даволаш тажрибалари натижасида ушбу кўрсаткич 4,4±0,48 ммоль/л бўлиб, тажрибалар охирида дастлабки кўрсаткичга нисбатан 17,2% га ($p<0,05$) ошганлиги қайд қилинди. Қон зардобда умумий оксил миқдори дастлаб ўртача 40,5±0,81 г/л га тенг бўлса, тажриба охирида 57,5±0,67 г/л бўлиб, дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 42% га ортганлиги қайд этилди.

Қондаги креатинин миқдори касалликнинг дастлабки босқичида 17,0±0,65 мкмоль/л га тенг бўлиб, меъёрга нисбатан паст кўрсаткичларни қайд этган бўлса, тажрибаларнинг охирида ушбу кўрсаткич 19,8±0,78 мкмоль/л, дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 16,4% га ($p<0,05$) кўпайганлиги аниқланди.

Қон зардоби таркибидаги мочевина ва умумий билирубин миқдори касаллик натижасида кескин ортган бўлиб, мочевина миқдори ўртача $9,2 \pm 0,23$ ммоль/л бўлса, умумий билирубин миқдори ўртача $15,1$ ммоль/л ни ташкил этиши характерли бўлди.

Тажрибанинг 20 - кунда ушбу кўрсаткичларнинг, яъни мочевина миқдори $8,1 \pm 0,12$ ммоль/л бўлиб, дастлабки кўрсаткичга нисбатан $13,6\%$ га камайган, умумий билирубин миқдори $13,5 \pm 0,21$ ммоль/л бўлиб, тажрибалар охирида $5,19\%$ га камайганлиги аниқланди


Тажрибалар якунида касал итлар қонидаги мочевина миқдори $7,8 \pm 0,25$ ммоль/л га тенг бўлиб, дастлабки кўрсаткичга нисбатан $14,9\%$ га ($p < 0,05$) пасайган, умумий билирубин миқдори $13,5 \pm 0,21$ ммоль/л ни ташкил этиб, яъни $10,5\%$ га камача камайганлиги қайд этилди (4-расм).




4-расм.Тажрибадаги иккинчи гуруҳ итлар қонининг биокимёвий кўрсаткичлари

Тажрибалар давомида сут бези ўсмаси билан касалланган итлар қонининг иммунологик кўрсаткичлари ўрганилганда нисбий кўрсаткичлари Т-РОК даражаси 41% , В-РОК даражаси 5% , Т-хелперлар 29% , Т-супрессорлар 9% , мутлоқ кўрсаткичлар Т-РОК $377,2$ мкл, В-РОК 46 мкл бўлган бўлса, кейинчалик жароҳлик йўл билан ўсмани олиб ташлаб, иммунитетни стимуляция қилингандан кейинги иммунологик текшириш натижаларида нисбий кўрсаткичлари Т - ва В - лимфоцитлар миқдорининг ўртача $48,0 \pm 1,01\%$ ва $15,0 \pm 1,87\%$ гача, Т-РОК даражаси 53% , В-РОК даражаси 17% , Т-хелперлар 39% , Т-супрессорлар 7% , мутлоқ кўрсаткичлар Т-РОК $1119,3$ мкл, В-РОК 359 мкл эканлиги қайд этилди.

Тажрибаларда ўсмаларга ташхис қўйиш, яъни уларнинг хавfli ёки хавфсиз эканлигини, ўсма ўсиб чиққан хужайра турини аниқлаш усули сифатида гистологик усул танлаб олинди. Бунда, биопсия усулида ёки жарроҳлик усули билан олиб ташланган ўсма тўқимасидан намуналар олинди, гистопрепаратлар тайёрланди.



5-расм. Сут беzi йўллариининг инфильтрланувчи ўсмаси. Гематоксилин-эозинда бўялган. х 400.



6-расм. Сут безининг фибросаркомаси. Гематоксилин-эозинда бўялган. х 100

Тайёрланган гистопрепаратлар орқали ўсма хужайраларининг микроскопик тузилиши текширилганда, ўсма паренхимасининг юмалоқ, урчуксимон шаклдаги саркома хужайраларидан иборатлиги, ўсма паренхимаси хужайралари юмалоқ шаклда бўлиши ва лимфоцитларга ўхшаш эканлиги аниқланди.


Микроскопнинг кичик объектида тўқиманинг фақат юмалоқ хужайралардан тузилганлиги, хужайралар оралиғида бириктирувчи тўқима тўпламчалари мавжудлиги, қон томирларнинг гиперемияси, томир деворлари эса юқалашганлиги қайд этилди.

Микроскопнинг катта объектида паренхимада фибробластлар, лимфоид хужайралари мавжудлиги, улар оралиғида коллаген толаларнинг тартибсиз жойлашганлиги, капиллярлар қон томирларнинг гиперемияси, эндотелий хужайралари шиши ушбу ўсмага ҳос белгилар сифатида қайд этилди (5-,6-расмлар).

Текширишлар натижалари асосида ўсманинг паренхимаси ва стромасини ажратиш қийин эканлиги, паренхиманинг шаклланмаган бириктирувчи тўқимадан тузилганлиги, унда тартибсиз жойлашган хужайралар ва гиперемияга учраган қон томирлари мавжудлиги аниқланди.

Тадқиқотларда сут безининг бир неча турдаги хавfli ўсмаларга аниқ ташхис қўйиш ва уни асослаш мақсадида иммуногистохимё усулидан фойдаланилди. Биринчи тажриба гуруҳидаги сут безининг аденосаркомалари, аденокарциномалари, муциноз аденосаркома ва сут безининг мугузланмаган яси хужайрали ўсмаси каби ўсмаларни ушбу усулда текширишда онкомаркер сифатида бир қаватли эпителиал цитокератин ва эстрогендан фойдаланилди (7-расм).

Тажрибаларда итларнинг сут беши йўллари инфильтрланувчи ўсмалари, сут беши фибромаси, фибросаркомаси, сут беши саркомаси, аденомаси, аденокарциномаси, сут безининг бўлакчали инфильтрланувчи карциномаси, липосаркомаси, муциноз карциномаси ва бошқа турдаги ўсмалар аниқланди. Аниқланган сут беши ўсмаларининг 60-65% ни яхши сифатли хавфсиз ўсмалар, 35-40% ни эса ёмон сифатли хавфли ўсмалар ташкил этди.



7-расм. А, Б - Сут безининг муциноз аденокарциномаси, (PAP, cytokeratin, 10x), Карцинома хужайралари кўкимтир шиллик билан ўралган. Иммуногистокимёвий реакция – ўсма хужайралари прогестерон ва эстроген гормонал онкомаркерларга ижобий реакция кўрсатди. Пролеферация индекси 6%.

Диссертациянинг «Итларда сут беши ўсмаларини даволаш ва олдини олиш» деб номланган тўртинчи бобида итларда учрайдиган сут беши ўсмаларини комплекс усулда даволаш ва олдини олиш бўйича ўтказилган тажриба натижалари ёритилган.

Тажрибалар учун сут беши ўсмаси билан спонтан ҳолатда касалланган итлар танлаб олинди ва «ўхшаш жуфтликлар» тамойили асосида ҳар бир гуруҳда 5 бошдан бўлган 2 та тажриба ва 1 та назорат гуруҳи тузилди.

Тадқиқотлар давомида барча тажриба ва назорат гуруҳидаги итларда ўсма тўқимасини олиб ташлаш - мастэктомия операцияси ўтказилди. Бунда, ўсма тўқимасининг локализацияси, ҳажми, пролефератив жараёнлар мавжудлиги ҳисобга олиниб, қуйидагича жарроҳлик амалиёти ўтказилди:

- нодулёктомия - ўсмаларнинг энг дастлабки босқичида, кичик тугунча даврида, яъни ўсманинг диаметри 1 см дан кўп бўлмаган пайтда ўсма тўқимасини ўзини олиб ташлаш операцияси ўтказилди. Бу эса ўсманинг ўсишини олдини олиш ва атроф тўқималарни камроқ шикастланишини таъминлайди;

- қисман мастэктомия - фақатгина битта сут безини ўсма тўқимаси билан биргаликда олиб ташлаш операцияси бажарилди, ушбу операция усули ўсма тўқимасининг ҳали унча катталашмаган, пролифератив жараёнлар бошланмаган даврда бажарилди, бунда бошқа атроф сут безлари зарарланмайди. Ушбу операциянинг мақсади ўсмани тарқалишини олдини олиш ва атроф лимфа тугунларида метастазлар ҳосил бўлишини олдини

Im a-14269/2

учун қўллаш яхши самара берди.

Иккинчи тажриба гуруҳ итларига жарроҳлик усулига қўшимча равишда гормонотерапия қўлланилди. Дастлаб гормонлар таъсирини умуман йўқотиш мақсадида итларда овариоэктомия операцияси ўтказилди. Шу билан бирга, антиэстроген модда сифатида кортикостероид препарат — тамоксифен майда итларга 5 мг/кг ва катта итларга 15 мг/кг миқдорида 1 ой давомида ҳар кунни мускул орасига юборилди.

Шунингдек, ушбу тажриба гуруҳидаги итларда мастэктомия операцияси билан бирга “Гамавит” препаратидан 2 мл тери остига, бир ой давомида ҳар беш кунда бир марта юборилди. Итларда мастэктомия ўтказилганда имкон қадар ўсма тўқимаси атроф лимфа тугунлари тўқималари билан биргаликда олиб ташланди.

Ушбу тажриба гуруҳидаги итлар организмда даволаш тажрибалари натижасида антиэстроген препаратнинг касал итлар организмга юборилиши натижасида тажрибаларнинг 20-кунига келиб, операция жароҳатининг мустақкам чандик ҳосил қилиб битиши, ўсмаларнинг ўсиши ва ривожланиши тўхташи, метастаз ва рецидивларнинг бўлмаслиги, шу билан биргаликда иммун тизим фаолиятини кучайиши таъсирида итларнинг клиник ва физиологик ҳолатининг яхшиланиши, ўсмага қарши курашувчанлигининг ортиши қайд этилди.

Сут бези ўсмаси билан касалланган 9 бош итларда тухумдондан ажраладиган эстроген гормонларнинг таъсирини умуман тўхтатиш мақсадида жарроҳлик усулида мастэктомия операцияси билан биргаликда овариоэктомия операцияси ўтказилиб, тухумдонлар олиб ташланди. Бундан асосий мақсад ўсмаларнинг ўсиши ва ривожланишида асосий омил сифатида итларда жинсий гормонларнинг қон таркибидаги концентрациясининг кескин ортиши оқибатида ўсмаларнинг умумий ва маҳаллий салбий таъсирини, сут безининг гиперплазиясини олдини олиш ва ҳосил бўлган ўсмаларнинг ҳажмини ортишини тўхтатиш ҳисобланади. Операцияни ўтказишда касал итларнинг ёши, умумий клиник-физиологик ҳолати, бошқа касалликлар билан касалланиши каби кўрсаткичлари ҳисобга олинди.

Ургочи итларда сут бези ўсмаларининг ривожланишида асосий этиологик омил сифатида итлар қонидаги жинсий гормонлар миқдорининг ортиши ҳисобланиши тажрибаларда ўз исботини топди, яъни сут бези ўсмаси ривожланган ҳар хил зотга мансуб итларнинг қонидаги гормонлар миқдори текширилганда Ўрта Осие овчаркаларида $19,52 \pm 0,9$ нмоль/л ни ташкил этиб, физиологик меъёрга нисбатан 2 марта кўп эканлиги, ротвейлер зотли итларда бу кўрсаткич $17,31 \pm 0,7$ нмоль/л га тенг бўлиб, физиологик меъёрга нисбатан 1,8 кўплиги ҳамда немис овчаркаси зотли итларнинг қонида эстрадиол гормони миқдори $13,93 \pm 0,5$ нмоль/л бўлиб, меъёрга нисбатан 1,5 баравар кўп эканлиги қайд этилди. Прогестерон гормонининг қондаги кўрсаткичлари Ўрта Осие овчаркасида $5,47 \pm 0,3$ нмоль/л, ротвейлерларда $5,21 \pm 0,2$ нмоль/л, немис овчаркасида $3,57 \pm 0,1$ нмоль/л ни ташкил қилди, бу кўрсаткичлар ҳам

конда ушбу гормон микдорининг физиологик кўрсаткичларга нисбатан кўпайганлиги кузатилди.

1-жадвал

Сут беzi ўсмаси билан касаланган итлар қонидаги жинсий
гормонларнинг микдори

т/р	Урғочи итларнинг зоти	Биометрик кўрсат- кичлари	Эстрадиол, нмоль/л	Прогестерон, нмоль/л	Тестостерон, нмоль/л
1	Немис овчаркаси	$M \pm m$ %	$13,93 \pm 0,5$ (1,5)	$3,57 \pm 0,1$	$1,1 \pm 0,01$
2	Ўрта Осиё овчаркаси	$M \pm m$ %	$19,52 \pm 0,9$ (2,0)	$5,47 \pm 0,3$	$1,5 \pm 0,03$
3	Ротвейлер	$M \pm m$ %	$17,31 \pm 0,7$ (1,8)	$5,21 \pm 0,2$	$1,3 \pm 0,02$

Тажрибадаги итларда овариоэктомиа операцияси ўтказилгандан кейин, улар қонидаги урғочилик жинсий гормонлар микдори 10-кунга бориб қуйидагича кўрсаткичларни намоён этди: немис овчаркасида эстрадиол гормони микдори ўртача $9,29 \pm 0,03$ нмоль/л гача, Ўрта Осиё овчаркасида $9,76 \pm 0,25$ нмоль/л гача, ротвейлерда $9,62 \pm 0,12$ нмоль/л гача камайганлиги қайд этилди, прогестерон гормони микдори немис овчаркасида $2,38 \pm 0,04$ нмоль/л гача, Ўрта Осиё овчаркасида $3,65 \pm 0,08$ нмоль/л гача, ротвейлерда $3,35 \pm 0,03$ нмоль/л гача камайганлиги қайд қилинди.

Операциядан кейинги 20-кунга бориб ушбу гормонларнинг микдори кескин камайганлиги аниқланди, яъни немис овчаркасида эстрадиол гормони микдори ўртача $3,22 \pm 0,01$ нмоль/л гача, Ўрта Осиё овчаркасида $2,76 \pm 0,02$ нмоль/л гача, ротвейлерда $3,01 \pm 0,03$ нмоль/л гача, прогестерон гормони микдори немис овчаркасида $1,01 \pm 0,02$ нмоль/л гача, Ўрта Осиё овчаркасида $1,21 \pm 0,01$ нмоль/л гача, ротвейлерда $1,3 \pm 0,02$ нмоль/л гача камайганлиги қайд қилинди.

Қондаги гормонлар микдори 30-куни текширилганда, урғочи итларга хос гормонлар барча итларда (эстрадиол ва прогестерон) аниқланмади. Итларда тестостерон гормонининг микдори бироз кўпайганлиги, яъни немис овчаркасида $1,71 \pm 0,01$ нмоль/л дан $1,91 \pm 0,03$ нмоль/л гача, Ўрта Осиё овчаркасида $1,90 \pm 0,19$ нмоль/л дан $2,01 \pm 0,01$ нмоль/л гача, ротвейлерда $1,72 \pm 0,08$ нмоль/л дан $1,84 \pm 0,03$ нмоль/л гача ошганлиги аниқланди.

Иккинчи гуруҳ тажрибадаги итларга гормонотерапияни қўллаш натижасида ўсмаларнинг ўсиши ва ривожланиши пасайди, метастаз ва рецидивларнинг ҳосил бўлиши олди олинди. Шу билан биргаликда иммун тизим фаолиятини кучайиши таъсирида итларнинг клиник-физиологик

холатининг яхшиланиши, ўсмага қарши курашувчанлигининг ортиши қайд этилди.

Овариоэктомиа операцияси ўтказилган итларда тухумдондан ажралиб чиқадиган эстрадиол ва прогестерон гормонлари миқдори пасайиб, умуман йўқолиши натижасида сут бези ўсмаларини ривожланиши ва пайдо бўлишини олдини олишга эришилди.

ХУЛОСАЛАР

1. Кинология хизмати ва аҳолига қарашли итлар орасида барча турдаги ўсмаларнинг тарқалиши 5-7% бўлиб, шундан сут бези ўсмалари 35-40%, таносил аъзоларнинг ўсмалари 8%, фиброма ва липомалар 5-7%, тери ўсмалари ва гигромалар 5-8% ҳамда аралаш турдаги ўсмалар 22-25% ни ташкил этади. Итларнинг сут бези ўсмалари билан касалланиши асосан 5-10 ёшларга тўғри келиб, хизмат итларининг энг кўп касалланиши 5-6 ёшда, аҳолига қарашли итларда 6-7 ёшда қайд этилади.

2. Итларда сут бези ўсмаларининг ўсиши ва ривожланиши организмнинг барча тизимлари фаолиятига салбий таъсир қилиши билан биргалликда қондаги эритроцитлар сонининг ўртача $4,34 \pm 0,28$ млн/мкл, гемоглобин миқдори - $97,8 \pm 0,85$ г/л, умумий оксил - $38,2 \pm 0,23$ г/л, глюкоза - $3,6 \pm 0,89$ ммоль/л ва креатининни - $17,0 \pm 0,65$ мкмоль/л гача камайиши, шунингдек, мочевиани - $9,2 \pm 0,23$ ммоль/л ва умумий билирубин концентрациясини - $14,2 \pm 0,68$ ммоль/л га ошиши кузатилади.

3. Сут бези ўсмаларининг салбий таъсири натижасида организм иммун тизими фаолиятининг пасайиши қайд этилиб, хавфли ўсмалар пайтида Т-лимфоцитларнинг нисбий кўрсаткичларининг ўртача - $41,0 \pm 1,0\%$, мутлок кўрсаткичларини - $377,2 \pm 0,8$ мкл, В-лимфоцитларнинг нисбий кўрсаткичларини - $5,0 \pm 0,7\%$, мутлок кўрсаткичларини - $46,0 \pm 0,1\%$, Т-хелперларни - $29,0 \pm 0,5\%$, Т-супрессорларни - $9,0 \pm 0,05\%$ гача, хавфсиз ўсмалар пайтида Т - лимфоцитларнинг нисбий кўрсаткичларини - $38,0 \pm 1,0\%$, мутлок кўрсаткичларини - $1039,0 \pm 1,55$ мкл, В - лимфоцитларнинг нисбий кўрсаткичларини - $6,0 \pm 0,02\%$, мутлок кўрсаткичларини - $164,1 \pm 1,0$ мкл, Т-хелперларни - $28,0 \pm 0,5\%$, Т-супрессорларни - $9,0 \pm 0,05\%$ гача камайиши характерли бўлади.

4. Итларда сут бези ўсмаларининг келиб чиқишида асосий этиологик омиллар – репродуктив фаолиятнинг нотўғри кечиши, кам бола туғиши, турли контрацептив воситаларни қўллаш ҳамда сут бези тўқимасининг урғочилик жинсий гормонлари таъсирида сурункали китикланиши бўлиб, тўқималарнинг прогрессив ўсиши, гипертрофияси ва гиперплазияси оқибатида қондаги эстродиол гормони миқдорининг немиш овчаркаларида ўртача $13,93 \pm 0,5$ нмоль/л, Ўрта Осиё овчаркаларида - $19,52 \pm 0,9$ нмоль/л ва ротвейлерларда - $17,31 \pm 0,7$ нмоль/л гача ортиши кузатилади.

5. Итлар сут бези ўсмаларида гистологик ўзгаришлар ўсма тўқимасининг

беўхшов тугунсимон, юзаси нотекис, юмшоқ консистенцияли, оч-кулранг, оч-кизгиш ёки оч-қўнғир рангда бўлиши, хужайралар оралиғида бириктирувчи тўқима тўпламчаларининг мавжудлиги, қон томирларнинг гиперемияси, деворларининг юпқалашиши, хужайраларнинг фақат пардасимон цитоплазма ва юмалоқ ядродан иборат бўлиб, хроматинга бой ва бир-бирига зич жойлашганлиги, айрим жойларда хужайраларнинг турли катталиқдаги некрози, қон томирлар тромбози, паренхима ва стромани бириктириб кетиши, паренхимада фибробластлар, лимфоид хужайралар мавжудлиги, эндотелий хужайраларининг шишганлиги билан характерланади.

6. Итларда сут бези ўсмаларини даволашда жарроҳлик усулларига қўшимча равишда кимётерапевтик препарат - циклофосфаннинг қўлланилиши тажриба бошидаги кўрсаткичларга нисбатан эритроцитлар сонини ўртача 38,2% га, гемоглобинни - 22,1% га кўпайиши ва лейкоцитлар сонини - 16,4% га камайиши, жарроҳлик усулларига қўшимча равишда гормонал препарат - тамоксифен қўлланилганда эритроцитлар сонининг ўртача 37,8% га, гемоглобинни - 12,5% га ошиши, лейкоцитлар сонининг эса 15% га камайиши қайд этилиб, ўсмаларнинг организмга салбий таъсири, метастаз ва рецидив кузатилишининг олди олинишини таъминлайди.

7. Мастэктомия операциясидан сўнг АСД-2 фракцияси ва гамавит препаратини қўллаш қонда Т- ва В-лимфоцитлар микдорининг ўртача $48,0 \pm 1,01$ ва $15,0 \pm 1,87\%$ гача ортиши ҳисобига итлар иммун тизими фаолиятининг кучайиши ҳамда жароҳатларнинг битиш муддатини 3-5 кунга қисқаришини таъминлайди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.30.08.2018. V.12.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ ИНСТИТУТЕ
ВЕТЕРИНАРНОЙ МЕДИЦИНЫ**

САМАРКАНДСКИЙ ИНСТИТУТ ВЕТЕРИНАРНОЙ МЕДИЦИНЫ

ЮЛЧИЕВ ЖАСУРБЕК БАХОДИРОВИЧ

**ЭТИОЛОГИЯ, ПАТОМОРФОЛОГИЯ И ЛЕЧЕНИЕ ОПУХОЛИ
МОЛОЧНЫХ ЖЕЛЕЗ СОБАК**

16.00.02- Патология, онкология и морфология животных. Ветеринарное
акушерство и биотехника репродукции животных;

16.00.01-Диагностика, терапия и хирургия животных

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ВЕТЕРИНАРНЫМ НАУКАМ**

Самарканд –2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по ветеринарным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2019.2PhD/V5.

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Самаркандском институте ветеринарной медицины.

Автореферат диссертации доктора философии (PhD) на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.samvmi.uz) и в информационно-образовательном портале «ZiyoNet.uz» (www.ziynet.uz).

Научные руководители:	Дилмуродов Насриддин Бабакулович доктор ветеринарных наук, профессор Нарзиев Бахтиёр Доллевич кандидат ветеринарных наук, доцент
Официальные оппоненты:	Бакиров Бахтияр доктор ветеринарных наук, профессор Турсагатов Жахонгир Маматович кандидат ветеринарных наук
Ведущая организация:	Научно исследовательский институт ветеринарии

Защита состоится «18» 10 2019 г. в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.30.08.2018 V.12.01 по присуждению ученых степеней при Самаркандском институте ветеринарной медицины (Адрес: 140103, город Самарканд, ул. Мирзо Улугбека, 77, Тел.: (99866) 234-33-20, факс: (99866) 234-07-86, e-mail: samvmi@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Самаркандском институте ветеринарной медицины (зарегистрирована за № 14269) (Адрес: 140103, город Самарканд, ул. Мирзо Улугбека, 77., Тел.: (99866) 234-33-20; факс: (99866) 234-07-86).

Автореферат диссертации разослан «30» 09 2019 года
(регр. протокола № 03 от «30» 09 2019 года)



Х.Б.Юнусов

Председатель научного совета по присуждению
учёных степеней, д.биол.н., профессор

Ш.Х.Курбанов

Учёный секретарь научного совета по присуждению
учёных степеней, к.вет.н.

К.Н.Норбоев

Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению учёных степеней, д.вет.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора (PhD) философии)

Актуальность и востребованность темы диссертационной работы. На сегодняшний день в странах мира для сохранения мира и стабильности, предотвращения внедрения оружия, взрывчатых и наркотических веществ на территории республики, в борьбе против терроризма и экстремизма, а также для сохранения спокойствия среди населения несравнимую задачу выполняют кинологи и служебные собаки в государственных силовых структурах. Но содержание служебных собак, и размножение их числа основными препятствующими факторами считаются инфекционные, инвазионные и незаразные болезни собак. Среди хирургических заболеваний животных, опухоли широко распространены и составляют 5-10% от общего числа болезней¹.

В последние годы в мировом масштабе среди собак разрабатываются мероприятия по диагностике опухолей, современными методами лечения и профилактики. В частности, в служебных кинологических питомниках большую роль уделяют исследованиям по устранению опухолей среди собак. А также, своевременное определение наблюдаемых опухолей среди собак, их лечение и разработка против них мер борьбы, являются одной из востребованных задач в производстве.

В Республике в годы независимости в служебных кинологических питомниках у собак диагностируются заболевания различной этиологии для их профилактики применяются усовершенствованные методы и средства, в результате чего уменьшаются в ощутимой степени инфекционные и незаразные патологии. Наряду с этим, важное значение имеют научные исследования среди служебных собак в силовых структурах государства и среди собак населения целью лечения, профилактики и разработка мер борьбы против онкологических болезней. В республике Узбекистан 2017-2021 годах развития принята Стратегия² действий с целью обеспечения неприкосновенности государственных границ, противодействие против преступности и предотвращения деятельности правовых нарушений, а также отмечено, что одним из приоритетных вопросов является организованная преступность, терроризм и религиозный экстремизм. В решении этой приоритетной задачи большое значение отводится кинологической службе.

В новой редакции Закона республики Узбекистан «О ветеринарии», в указах Президент Республики Узбекистан №УП-3026 от 1 июня 2017 года «О мерах по организации деятельности Государственного комитета ветеринарии Республики Узбекистан», № УП-5696 от 28 марта 2019 года «О мерах по коренному совершенствованию системы Государственного управления в сфере ветеринарии и животноводства» в осуществлении этого Указа данная

¹ Бугаев А.М. Профилактика онкологических заболеваний у собак // - Москва, 2002. - № 4. - С. 12-14

² Указ Президента Республики Узбекистан за УП №4947, от 7 февраля 2017 г. «О Стратегии Действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

исследовательская диссертация выполняет нормативно-правовые документы отмеченные и связанные с данным направлением.

Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данные исследования выполнены в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологии республики – V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. В нашей стране Б.Д.Нарзиевым и Р.М.Таштемировым проводились исследования по распространению и лечению опухолей среди собак. На мировом масштабе изучали данное проблемы со стороны следующие ученые J.C.Costa, P.Juntes, M.Pogacnik, B.Lamagna, P.A. Le Couteur, A.J.Withrow, G.C Leonardi, S.Candido, M.Cervello, A.M.Martins, E.Tamaso, J.L.Guerra, A.Monteros, N.Milla, J.B.Paul, M.C.Jose, S.Banchop, A.Polli, П.Ф.Терехов, В.Н.Эллиниди, М.В.Шелехова, А.А.Самотаев, В.И.Чиссов, В.В.Старинский, Е.А.Ульрих, Э.Л.Нейштадт, В.М.Моисеенко, А.В.Гейниц, С.В.Москвин, Г.А.Азизовым изучали распространение опухолей среди собак, их патоморфологию, клинические признаки, лечение и разработаны научно-обоснованные мер профилактики. Одной из основной задач в нашей стране является изучение распространения среди собак опухоли молочной железы, определение особенности течения заболевания, лечение, разработка мер профилактики и внедрение их в практику.

Связь диссертационного исследования с планом научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Исследования диссертации проведены в Самаркандском институте ветеринарной медицины в рамках практического проекта программы КХА-КХ-2018-2019 на тему «Патологии, возникающие в организме продуктивных животных и птиц под влиянием экологических и техногенных факторов, их профилактика, разработка и внедрение усовершенствованных методов лечение» (2018-2020 гг.).

Цель исследования является разработка комплексных методов лечения и научное обоснование распространения, этиологии, патоморфологии, диагностики и ущерба от опухолей молочной железы служебных собак кинологических питомников и собак принадлежащих населению республики.

Задачи исследования:

определение степени распространения, а также этиология опухолей молочной железы у служебных собак принадлежащих кинологическим центрам силовых структур республики и в частности населению города Самарканда;

научное обоснование методов ранней диагностики опухолей молочной железы, а также определение морфологических, биохимических и иммунологических изменений в крови у собак заболевших опухолью

молочной железы;

проведение биопсии опухоли собак и исследование патоморфологии опухолевой ткани;

разработка современных методов хирургического, консервативного лечения опухоли молочной железы у собак.

